

| 1. ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ | | | | | | | |
|--|--|---|------------|--------|----------|------------|-------|
| Тўлик: | | Акционерная компания «DORI-DARMON» | | | | | |
| Қискартирилган: | | АК «DORI-DARMON» | | | | | |
| Биржа тикерининг номи:* | | DDAK | | | | | |
| 2. АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ | | | | | | | |
| Жойлашган ери: | | г. Ташкент, пл. Чорсу 21 | | | | | |
| Почта манзили: | | 100021, Республика Узбекистан, г.Ташкент, пл.Чорсу, 21 | | | | | |
| Электрон почта манзили:* | | office@doridarmon.uz | | | | | |
| Расмий веб-сайти:* | | www.doridarmon.uz | | | | | |
| 3. МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ | | | | | | | |
| Муҳим фактнинг рақами: | | 06 | | | | | |
| Муҳим фактнинг номи: | | Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар | | | | | |
| Умумий йиғилиш тури: | | Йиллик | | | | | |
| Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | | 03.06.2016 | | | | | |
| Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | | 13.06.2016 | | | | | |
| Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | | г. Ташкент, пл. Чорсу 21 | | | | | |
| Умумий йиғилиш қворуми: | | 82,68% (16 595 583дона акция) | | | | | |
| № | Овоз беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш якунлари | | | | | |
| | | ёқлаш | | қарши | | бетарафлар | |
| | | % | сони | % | сони | % | сони |
| 1. | Саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш | 99,92%, | 16581982 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2. | Кузатув кенгашининг 2015 йил якунлари бўйича ҳисоботини тинглаш. | 99,92%, | 16 581 982 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 3. | Компания бошқарувининг 2015 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. | 99,92%, | 16 581 982 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4. | Компаниянинг 2015 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш. | 99,92%, | 16 581 982 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5. | Компаниянинг 2015 йил якунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотинининг ҳулосасини тасдиқлаш. | 99,92%, | 16 581 982 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6. | Тафтиш комиссиясининг 2015 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. | 99,92%, | 16 581 982 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 7. | 2015 йил якунлари бўйича компаниянинг соф фойдасини тақсимлаш ва оддий акцияларига йиллик дивидендлар тўлаш. | 99,86% | 16572973 | 0 | 0 | 0,05% | 9009 |
| 9. | Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш | | | | | | |
| | <i>Абдулкасимов Шерзод Исамахамадович</i> | 99,92% | 16581682 | 0 | 0 | 0,002% | 300 |
| | <i>Йулдошев Дилшод Қулбоевич</i> | 99,90% | 16579232 | 0,02% | 2750 | 0 | 0 |
| | <i>Назаров Ўқтам Сулайманович</i> | 0,97% | 160417 | 98,90% | 16412556 | 0,05% | 9 009 |
| | <i>Эргашев Алишер</i> | 99,11% | 16447797 | 0,61% | 101082 | 0,20% | 33103 |

| | | | | | | | |
|--|--|---------|----------|---|---|-------|-------|
| | Рахматуллаевич | | | | | | |
| 10. | Компания бошқарув раисини сайлаш (у билан тузиладиган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш). | 99,92%, | 16581982 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 11. | Компанияда Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш. | 99,86% | 16572973 | 0 | 0 | 0,05% | 9009 |
| 12. | Компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. | 99,83% | 16567169 | 0 | 0 | 0,09 | 14813 |
| 13. | Компания Устави янги таҳрирда тасдиқлаш | 99,86% | 16572973 | 0 | 0 | 0,05% | 9009 |
| 14. | Компаниянинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Ижроия органи (Бошқаруви) тўғрисида”, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”, “Санок комиссияси тўғрисида”, “Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясини моддий рағбатлантириш тўғрисида” Низомларни янги таҳрирда тасдиқлаш. | 99,86% | 16572973 | 0 | 0 | 0,05% | 9 009 |
| 15. | Компаниянинг “Ички назорат тўғрисида”, “Манфаатлар карама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”, “Дивиденд сиёсати тўғрисида” Низомларни тасдиқлаш. | 99,86% | 16572973 | 0 | 0 | 0,05% | 9009 |
| 16. | Компаниянинг ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш. | 99,86% | 16572973 | 0 | 0 | 0,05% | 9009 |
| 17. | Компаниянинг ўз аффилиланган шахслари билан тузган битимларини маъқуллаш. | 99,84% | 9335040 | 0 | 0 | 0,16 | 14813 |
| 18. | Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш. | 99,90% | 9340844 | 0 | 0 | 0,10 | 9009 |
| Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни: | | | | | | | |
| 1. | Санок комиссияси куйидаги таркибда тасдиқлансин: 1. Ходжаев Фаррух Рахимджанович; 2. Юлдашев Улуғбек Михлибаевич; 3. Кадиров Ойбек Батирович. | | | | | | |
| 2. | Кузатув кенгашининг 2015 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. | | | | | | |
| 3. | Компания бошқарувининг 2015 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин. | | | | | | |
| 4. | Компаниянинг 2015 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин | | | | | | |
| 5. | Компаниянинг 2015 йил якунлари бўйича молия хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин. | | | | | | |
| 6. | Тафтиш комиссиясининг 2015 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. | | | | | | |

| | | | | | |
|---|--|--|-------------------------|------|---------------------|
| 7. | <p>1. Компаниянинг 2015 йил бўйича 25 073,54 млн. сўм миқдордаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 14,58% ёки 3 655,64 млн. сўм компания уставига асосан унинг захира фондига; - 41,63% ёки 10 437,44 млн. сўм – дивиденд тўлови (1 дона оддий акцияга 520 сўм дивиденд); - 43,79% ёки 10 980,46 млн. сўм – компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга; <p>2. Компаниянинг 2015 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 520 (беш юз йигирма) сўм миқдорда йиллик дивиденд тўлансин. Дивидендлар пул кўринишида тўлансин.</p> <p>3. Ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаган муддат ичида тўлансин.</p> <p>4. Дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2016 йил 13 июн, тугатиш санаси 2016 йил 02 август этиб белгилансин.</p> | | | | |
| 8. | <p>Компания Кузатув кенгаши қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Аминов Рустам Анварович; 2. Липатов Аваз Ашрапович; 3. Миралиев Алишер Эркинович; 4. Мустафаев Зафар Бурибаевич; 5. Рахматуллаев Бекзод Раджапбевич; 6. Ташмурадов Шухрат Маматкулович; 7. Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич; 8. Вахпиев Юнус Сулайманович; 9. Шагазатов Дониер Бахтиярович. | | | | |
| 9. | <p>Компания тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Абдулкасимов Шерзод Исамамадович 2. Йулдошев Дилшод Кулбоевич 3. Эргашев Алишер Рахматуллаевич | | | | |
| 10. | <p>Компания бошқарув раиси Камилов Абдуғани Абдурахманович билан тузилган меҳнат шартномаси бир йилга узайтирилсин.</p> | | | | |
| 11. | <p>1. “Дори-Дармон” акциядорлик компаниясида Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2016 йил 11 февралдаги 9-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилинсин.</p> <p>2. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш тўғрисидаги хабарнома матни тасдиқлансин.</p> <p>3. Компаниянинг ижроия органи 10 кун муддат ичида Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш тўғрисидаги хабарномани Корпоратив маълумотлар ягона портали, “Тошкент” РФБ ва Компаниянинг расмий веб-сайтларида ва ОАВда эълон берилишини ҳамда Давлат рақобат кўмитасига маълумот киритилишини таъминласин.</p> | | | | |
| 12. | <p>Компаниянинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.</p> | | | | |
| 13. | <p>Компания Устави янги таҳрирда тасдиқлансин.</p> | | | | |
| 14. | <p>Компаниянинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Ижроия органи (Бошқаруви) тўғрисида”, “Тафтиш комиссияси тўғрисида”, “Санок комиссияси тўғрисида”, “Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясини моддий рағбатлантириш тўғрисида” Низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин.</p> | | | | |
| 15. | <p>Компаниянинг “Ички назорат тўғрисида”, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”, “Дивиденд сиёсати тўғрисида” Низомлари тасдиқлансин.</p> | | | | |
| 16. | <p>Компаниянинг ривожлантириш стратегияси тасдиқлансин.</p> | | | | |
| 17. | <p>Компаниянинг ўз аффилиланган шахслари билан тузган битимлари маъқуллансин.</p> | | | | |
| 18. | <p>Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузиши маъқуллансин.</p> | | | | |
| <p>Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:</p> | | | | | |
| <p style="text-align: center;">Кандидатлар тўғрисида маълумот</p> | | | | | <p>Овозлар сони</p> |
| № | Ф.И.Ш. | Иш жойи | Уларга тегишли акциялар | | |
| | | | сони | тури | |
| 1. | Шагазатов Дониер Бахтиярович | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси | - | - | 16571850 |

| | | | | | |
|--|-------------------------------------|---|---|-------|----------|
| 2. | Аминов Рустам Анварович | Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раиси ўринбосари | - | - | 16507911 |
| 3. | Вахпиев Юнус Сулайманович | «MFS-Servis» МЧЖ таъсисчиси | - | - | 16593515 |
| 4. | Липатов Аваз Ашрапович | «Chester Trading & Investments» LLC компанияси вакили | 0,1 | 20388 | 16747750 |
| 5. | Миралиев Алишер Эркинович | Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари | - | - | 16505264 |
| 6. | Мустафаев Зафар Бурибаевич | "Ўзбек Лизинг Интернешнл А.Ж." ҚКАЖ бошқаруви раиси | - | - | 16607515 |
| 7. | Рахматуллаев Бекзод Раджапбоевич | Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи | - | - | 16505264 |
| 8. | Гашмурадов Шухрат Маматкулович | Олмалик ТКМК Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси раҳбари | - | - | 16504764 |
| 9. | Убайдуллаев Саъдулло Абдуллаевич | «Делфилд маркетинг Лтд.» МДХ давлатлари бўйича бош вакили | - | - | 16586527 |
| Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни** | | | Устав янги тахрирда тасдиқланди илова қилинади | | |

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.:

Камилов А.А

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.:

Зокиров Ш.З

**Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.:**

Назаров З.З.

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

(рўйхатдан ўтказувчи орган номи)

(рўйхатдан ўтказувчи органи раҳбари
Ф.И.Ш.
ва имзоси)

2016 йил « ____ » _____
_____-рақам билан

М.Ў.

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Дори-Дармон»

акциядорлик компанияси
акциядорларининг

2016 йил 3 июндаги

умумий йиғилиши қарори

_____ Ш.А.Вафаев
(кузатув кенгаши раиси Ф.И.Ш. ва
имзоси)

М.Ў.

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ
«DORI-DARMON»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНинг
УСТАВИ**

Тошкент 2016 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.1. Бундан буён матнда “Компания” деб аталувчи «Дори-Дармон» акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сонли «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 майдаги 131-сонли ««Дори-Дармон» давлат акциядорлик уюшмасини «Дори-Дармон» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги қарори асосида «Дори-Дармон» давлат акциядорлик уюшмаси «Дори-Дармон» очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги акциядорлик компания этиб қайта ташкил этилган.

1.2. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (03.06.2016й. ЎРҚ-387) Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:

1.3.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «**DORI–DARMON» aksiyadorlik kompaniyasi;**

кирилл ёзувида: «**Дори-Дармон» акциядорлик компанияси.**

1.3.2. Рус тилида: **Акционерная компания «Дори-Дармон».**

1.3.3. Инглиз тилида: **Joint stock company «DORI–DARMON».**

1.4. Компаниянинг қисқартирилган номи:

1.4.1. Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: «**DORI–DARMON» АК;**

кирилл ёзувида: «**Дори-Дармон» АК.**

1.4.2. Рус тилида: **АК «Дори-Дармон».**

1.4.3. Инглиз тилида: **JSC «DORI–DARMON».**

1.5. Компаниянинг манзили:

- жойлашган ери: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Чорсу майдони, 21 уй.

- почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Чорсу майдони, 21 уй, индекс 100021.

1.6. Компаниянинг электрон почта манзили: office@doridarmon.uz

1.7. Компаниянинг расмий корпоратив веб-сайти: www.doridarmon.uz.

II. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Компания давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Компания фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.3. Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

2.4. Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзиде фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.5. Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.6. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

2.7. Акциядорлар компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар компаниянинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

2.9. Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Агар компаниянинг банкротлиги компания учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, компаниянинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига компаниянинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставда бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.

2.11. Компания учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор компания муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан компания томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина компаниянинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.

2.12. Давлат ва унинг органлари компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.13. Компания филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

2.14. Филиал Компания жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

2.15. Ваколатхона Компания жойлашган ердан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодаладиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

2.16. Компаниянинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Компаниянинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Компаниянинг балансида ҳисобга олинади.

2.17. Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Компания томонидан тайинланади ва Компания томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

2.18. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган Компания зиммасида бўлади. Компания томонидан Ўзбекистон Республикасидан

ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2.19. Компания акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиши мумкин.

2.20. Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий мажбуриятлари юзасидан компания олдида жавобгар бўлмайди.

2.22. Компания бошқа корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятида ўзининг бўш маблағларини фойда олиш мақсадида улуш сифатида инвестиция (киритиш) қилиш ҳуқуқига эга.

2.23. Компания ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.24. Компания ўзига қарашли дорихона муассасалари фаолиятига хўжалик раҳбарлигини амалга ошириш ваколатига эга бўлиб, уларнинг фармацевтика, тижорат, ассортимент, савдо соҳаларидаги фаолиятларини назорат қилиш мувофиқлаштириш ва такомиллаштирилиш сиёсатини амалга оширади.

2.25. Компаниянинг ўз ваколати доирасида қабул қилган фармойишлар, буйруқлар ва қарорлари Компания Устав жамғармасини шакллантирган шўъба ва тобе корхоналари учун бажарилиши мажбурийдир.

2.26. Компания ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида амалга оширади ва ишлаб чиқариш хўжалик ҳамда молиявий фаолияти масалаларини мустақил ҳал этади.

2.27. Компания ва унинг таркибидаги корхоналарнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан ва шартномалар асосида амалга оширилади.

2.28. Компания ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Устав талабларига амал қилади.

III. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

3.1. Компания тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

3.2. Компания асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини сифатли дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлаш;

- маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ҳамда ҳаётий муҳум бўлган асосий дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига, шу жумладан наркотик ва ҳисобда турадиган психотроп препаратларга буюртмаларни шакллантириш ҳамда тузиладиган шартномалар асосида республика соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлат резервининг дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжларини таъминлаш;

- Компания таркибига кирадиган дорихона муассасалари фаолиятини

мувофиқлаштириш, мавжуд фармацевтика маҳсулотлари ресурслари тўғрисидаги ягона республика ахборотлар тизимини яратиш;

- дори-дармонлар ва фармацевтика препаратлари билан таъминлашни ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш;

- давлат захираси ва идоровий тиббий тузилмаларнинг даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармон воситалари ва тиббий мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар билан таъминлаш;

- дори-дармон билан таъминлашни ташкил этишга илғор алоқа манбалари, технологияларни тадбиқ этиш;

- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлашнинг истиқбол стратегиясини белгилаш;

- таркибига кирувчи корхоналарнинг модернизация қилинишида, технологик қайта жиҳозланишида ҳамда ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни жалб қилинишида ёрдам бериш;

- аҳолини дори-дармон маҳсулотлари билан таъминлашда ягона илмий-техник ва инвестиция сиёсати юритилишини ташкил этиш;

- Компания таркибига кирувчи корхоналар ўртасида ўзаро иктисодий, замонавий техник алоқа муносабатлар тамойиллари ва уларни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиш;

- Қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, сотиб олиш билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш;

- ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунини мувофиқ Компания қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

3.3. Ўз вазифаларини ҳал этиш учун Компания қуйидагиларни амалга оширади:

- Компания ва унинг таркибига кирувчи корхоналар бўйича аҳолини дори воситалари билан таъминлаш шунингдек бизнес-режаларининг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, даволаш профилактика муассасаларини ва бошқа ваколатли корхоналарни улгуржи ва чакана савдо тизими орқали сифатли дори воситалари билан таъминлаш давлат ва давлатлараро дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдо ва воситачилик фаолияти юритиш;

- Компания таркибига кирувчи корхоналар билан биргаликда аҳолини дори воситалари билан таъминлашни ривожлантиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

- Компания таркибига кирувчи корхоналар молиявий барқарорлигини таъминловчи молиявий механизмларни жорий этиш;

- Компания таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил этиш ва қўшимча даромадлар олишга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ дори воситаларининг нарх-навоси соҳасида келишилган ҳолда сиёсат олиб бориш;

- Компания фаолиятига оид реклама ва бошқа адабиётлар чоп этиш;

- Компания таркибига кирувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек бошқа юридик шахсларга ҳамда компания ходимларига фойзли, фойсиз заём

(карз) бериш ва олиш;

- Компания ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг шаклларини, тизимини ва миқдорларини белгилаш;

- Компанияни ривожлантиришнинг режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Компания таркибига кирувчи корхоналарнинг фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- илғор технологияларни жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини дори-дармон ва тиббий мақсадларга мўлжалланган бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида хорижий компаниялар (ташкilotлар, фирмалар ва б.к.) билан белгиланган тартибда шартномалар тузиш. Компания хорижий компанияларда (ташкilotларда, фирмаларда ва б.к.) ваколатли вакилига эга бўлиши мумкин;

- Компания эҳтиёжлари таъминланиши учун экспорт-импорт ишларини амалга ошириш;

- Компания фаолияти йўналиши бўйича хорижий мутахассисларнинг республикага келиши ва ўз мутахассисларини хорижга жўнатиш ишларини ташкил этиш;

- Компания ходимларини танлов тизимини белгилаш, уларни рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ташкил этиш;

Устав вазифалари ва фаолиятни амалга ошириш мақсадида амалдаги қонунчилик билан чекланмаган бошқа ваколатларга эга бўлиб юклатилган вазифаларни бажаради.

3.4. Компания қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

IV. КОМПАНИЯНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Компания қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

• Компания ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ҳақли.

• Компания ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

• Компания таркибидаги шўъба ва тобе жамиятларнинг бошқарилишида иштирок этиш;

• Бошқаришнинг акциядорлик шакл ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқариш, молия-иқтисодий, инвестиция, ташқи иқтисодий ва ижтимоий фаолият масалаларини ҳал этиш;

• Компания акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги ва қонунчилик нормалари билан тақиқланмаган барча фаолият турлари билан шуғулланувчи шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ташкил этиш ва уларга эга бўлиши мумкин.

• Компания таркибига кирувчи жамиятлардан ташқари, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталида мол-мулк ва улушлар (пул маблағлари) билан қатнашиши мумкин.

• белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар, марказлар, фирмалар, шўъба корхоналар, филиаллар, ваколатхоналар, кўшма корхоналар тузиш, турли республикавий, халқаро ташкilotлар ва бирлашмаларга, уюшмаларга аъзо бўлиш, идоравий мансублигидан қатъий назар

акциядорлик жамиятларнинг акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш;

- белгиланган тартибда тармоқнинг тижорат ва инвестиция банкларини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлмаган корхоналарни, ижтимоий инфраструктура иншоотларини ва бошқа мулкларни хусусийлаштириб олиш;

- ўз номидан юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар (контрактлар) тузиш, экспорт-импорт амалиётларини, бошқа турли битимларни ва ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз номидан, Компаниянинг маблағлари ҳисобига биноларни, иншоотларни, корхоналарни, транспорт воситаларини ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мулкларни сотиб олиш, сотиш, ижарага олиш, ижарага бериш, ҳисобдан чиқариш, ҳар хил мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш, мажбуриятлар олиш, судда даъвогар ҳамда жавобгар бўлиш;

- молия-кредит муассасаларида миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамларини очиш;

- банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилган ва ўтказиладиган ўз пул маблағларини мустақил равишда тақсимлаш ва сарфлаш;

- Компания Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- миллий ва хорижий валютадаги кредитлардан фойдаланиш;

- амалдаги қонунчилик нормаларига биноан пул маблағларини муомаладаги облигацияларга, сертификатларга ва бошқа қимматли қоғозларга ўтказиш;

- амалдаги қонунчилик нормаларига биноан ўз мол-мулки ва маблағлари билан Компания аъзолари мажбуриятлари бўйича кафил бўлиш;

- интеллектуал мулкчилик воситаларини, иншоотларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим мулкӣ ва номулкий ҳуқуқларини шартномалар асосида жалб этиш ҳамда улардан фойдаланиш;

- ички меҳнат тартиби қоидаларида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш тартибларини мустақил белгилаш;

- меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва микдорларини, иш куни тартибини, дам олиш кунлари ва таътиллар бериш тартибини мустақил белгилаш, иш вақтини жамлаш ишларини жорий қилиниши ҳақида қарор қабул қилиш;

- ходимларнинг Компания билан меҳнат муносабатларини шартномалар бўйича расмийлаштириш, муддатли шартномалар тузиш;

- мазкур Устав билан ва Компаниянинг ички меъерий ҳужжатлари билан тартибга солинмайдиган меҳнат муносабатларининг барча масалалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан ҳал этилади;

- ҳар қандай хўжалик-молиявий бирлашмаларга шу жумладан суғурта компаниясига ва Компанияларга ихтиёрий асосларда таъсисчи ёки аъзо бўлиб кириш;

- Компания таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларнинг (шўба ва тобе корхоналар) амалдаги қонун ҳужжатларга ва Компания меъерларига мувофиқ фаолиятини назорат қилиш;

- Компания мол-мулк билан таъминланган корпоратив облигацияларни уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали миқдори доирасида чиқариш.

4.2. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Компания куйидаги мажбуриятларга эгадир:

- Компания ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши;

- Компания маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда);

- Компания самарали ички назорат тизимини жорий қилишнинг асосий мақсадини барча акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни белгилаш;

- Компания акциядорнинг ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига кўра уч иш куни ичида уларга Компаниянинг устави, шу жумладан уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Компания акциядорнинг талабига кўра унга уставининг кўчирма нусхасини бериши шарт.

4.3. Компания аъзолари манфаатларига ва қонунчилик талабларига зид бўлмаган бошқа фаолиятларни амалга оширади.

4.4. Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этмаслик. Компаниянинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Компаниянинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.5. Компаниянинг тижорат сирини тоифасига киритилган ахборот билан Компанияда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Компания Бошқарув раиси томонидан белгиланади.

4.6. Компания Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга асосан фаолиятини амалга оширади.

V. КОМПАНИЯ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

5.1. Компаниянинг устав капитали акциядорлар олган компания акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

5.2. Компаниянинг устав капитали 86 309 600 000 (саксон олти миллиард уч юз тўққиз миллион олти юз минг) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 4300 (тўрт минг уч юз) сўмдан бўлган 20 072 000 (йигирма миллион етмиш икки минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз жойлаштирилган акциялардан иборат.

5.3. Компания ташкил этилганда, унинг устав капиталида хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VI. Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш

6.1. Компаниянинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.2. Қўшимча акциялар Компания томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

6.3. Компания устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 4300 сўм бўлган 40 144 000 дона оддий акциялардан иборат. Мазкур эълон қилинган акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда, эмиссия рисоласи, қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва ушбу уставда кўрсатилган тартибда жойлаштирилади. (Типовойда йук)

6.4. Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

6.5. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпик обуна усуллари билан жойлаштирилади.

6.6. Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва Компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

6.7. Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

6.8. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилиги овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.9. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Компания акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

6.10. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

6.11. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

6.12. Компаниянинг устав капитали кўпайтирилаётганда компаниянинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш компания акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

6.13. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига Компания устав капиталдаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Компания акциядорлари умумий йиғилиши томонидан компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан

ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6.14. Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Компания уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак. (Типовойда йук)

6.15. Компаниянинг Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Компаниянинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир. (Типовойда йук)

6.16. Компаниянинг устав капиталини унинг ўз капитални ҳисобидан кўпайтиришда акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айна ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Компаниянинг устав капитални кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Компаниянинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди. (Типовойда йук)

VII. Компаниянинг устав капиталини камайтириш

7.1. Компаниянинг устав капитални акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Компания томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.2. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Компания устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

7.3. Компаниянинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

7.4. Устав капиталини камайтириш ва Компания Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.5. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

7.6. Устав капиталини камайтириш вақтида Компания тугатилганида назарда тутилган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

7.7. Компания ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Компания устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Компания Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

7.8. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинган акцияларнинг турлари, Компания сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати белгилаб қўйилиши лозим.

7.9. Компания акцияларини сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўланади.

7.10. Компания томонидан оддий акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосига мувофиқ белгиланади.

7.11. Компания тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

7.12. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Компания тасарруфига ўтган акциялар улар Компания тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, ақс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Компаниянинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

7.13. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб Компания кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар Компаниянинг Устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичида Компаниядан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва Устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

VIII. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

8.1. Компаниянинг акциялари оддий ҳужжатсиз эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

8.2. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

8.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Компания акциядори деб эътироф этилади.

8.4. Компания акцияларининг номинал қиймати 4 300 (тўрт минг уч юз) сўм.

8.5. Акцияларнинг номинал қиймати 5 000 сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

8.6. Компаниянинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва компанияни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

IX. КОМПАНИЯ ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Компаниянинг даромадлари (фойдалари) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилгандан кейин тўлиқ Компания ихтиёрида қолади ва жамғармаларни ташкил этиш ҳамда Компания акциялари бўйича дивидендлар тўлаш учун сарф қилинади, ёки Компания акциядорлик умумий йиғилиши қарорига мувофиқ капиталлаштириш қилинади.

9.2. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг, Компания фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Компания акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

9.3. Компания акциялари бўйича эълон қилинган дивидендларни белгиланган муддатларда тўлаши шарт.

9.5. Компаниянинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

9.6. Акциялари бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

9.7. Дивидендларнинг миқдори Компания кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

9.8. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик компаниясининг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

9.9. Дивидендлар Компаниянинг тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

9.10. Компания томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

9.11. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Компаниянинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

9.12. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

9.13. Компания бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9.14. Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Компания кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.15. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Компания ихтиёрида қолади.

9.16. Компания Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт. Компания акциядорларининг реестридан олинган, Компания томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Компания бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар суммаси ва улар ҳисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

9.17. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

9.18. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Компания акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

9.19. Компания:

– Компания устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

– агар дивидендлар тўланадиган пайтда Компанияда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Компанияда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

– агар Компания соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас. Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Компания ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

Компания дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Компания тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Компаниянинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

Х. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

10.1. Компания акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

10.2. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

10.3. Акциялар ҳамда бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида ўттиз фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

10.4. Компания томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Компаниянинг жойлаштирилмаган акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари кўрсатилган муддат ўтганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

10.5. Компаниянинг акциялари ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклида чиқарилади.

10.6. Компаниянинг жойлаштирилган акциялари эгасининг номи ёзилган оддий акциялардир.

10.7. Компания қонун ҳужжатларига мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга ҳақли.

10.8. Компаниянинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

10.9. Акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши мазкур чиқарилишни тўхтатиб туришга олиб келган қоидабузарликлар эмитент томонидан бартараф этилмаган, шунингдек чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади.

10.10. Акциялар ҳамда бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги

акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозлар умумий миқдорининг камида ўттиз фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

10.11. Компаниянинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча Акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга жойлаштириш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

10.12. Акциялар ҳақини тўлаш мажбуриятини бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ундириш назарда тутилиши мумкин.

10.13. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Компания кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Компаниянинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

10.14. Компаниянинг устав капитали кўпайтирилаётганда Компаниянинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Компания акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

XI. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11.1 Компания акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- тегишли Компания акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Компания тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Компанияни бошқаришда иштирок этиш;
- Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш;

–Компания акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахс шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиши мумкин;

–қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг ва Компаниянинг розилигисиз ўзга шахсга беришга ҳақли, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида (янги таҳрири)» Қонунда белгиланган ҳол бундан мустасно.

11.3. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар. Ҳар бир оддий акция эгаси ҳисобланган акциядорга бир хил ҳуқуқларни беради.

11.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Компания тугатилган тақдирда эса, Компания мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

11.5. Компания устав капиталини ошириш учун қўшимча акциялар чиқарилганда, акциядорлар ўзларининг улушига пропорционал равишда акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга, имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар сотувга қўйилган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

11.6. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварагига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан утади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварагидан кўчирма билан тасдиқланади.

11.7. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан утади.

11.8. Депозитарий билан депозитар шартнома тузган акциядор депозитарийдаги узининг ДЕПО ҳисобварагида бўлган қимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва доирада тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

11.9. Акциядорлар депозитар шартнома шартларига мувофиқ ўз ДЕПО ҳисобварагининг ҳолати ҳақида гувоҳнома олишга ва узининг ДЕПО ҳисобвараги бўйича депозитарий томонидан ўтказилган операциялар тўғрисида ҳисобот олишга ҳақлидир.

11.10. Компания акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, микдорда, муддатда ва усулларда акцияларнинг нархини тўлашга;

- мазкур Уставда назарда тутилган чегераларда, Компания бошқарув органларининг қарорларига бўйсунушга;

- компаниянинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмасликка;

11.11 Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

XII. КОМПАНИЯНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

12.1. Компания соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, компания фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

12.2. Компаниянинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, компаниянинг зарарлари ўрнини қоплаш, компаниянинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

12.3. Компания устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига Компаниянинг уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда мажбурий ажратмалар ўтказилади.

12.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

12.5. Компания соф активларининг қиймати акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия баланси ҳисоби бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

XIII. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

13.1. Компания бошқарув органлари:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Ижроия органи (Бошқарув ва унинг раиси).

13.2. Компанияни бошқариш органлари барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатни таъминлайди.

13.3. Компания бошқариш органлари акциядорларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган бошқа зарур чоратadbирларни амалга оширади.

13.4. Компанияни бошқариш органлари компаниянинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди.

XIV. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

15.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши компаниянинг юқори бошқарув органидир.

Компания ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Компания акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойида ўтказилади. Бунда, Кузатув кенгаши мавжуд вазиятлардан келиб чиққан ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш муддатини қайта кўриб чиқиш ва бошқа муддатни белгилаш ҳуқуқига эга.

15.2. Компаниянинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

15.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- тафтиш комиссиясини сайлаш;
- Компаниянинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- Компаниянинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисобот;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;
- фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- Компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан компания кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

15.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

15.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

15.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

- компания уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- компанияни қайта ташкил этиш;
- компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Компаниянинг устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- устав капиталини камайитириш;
- компаниянинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

- компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Компаниянинг бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш);

- тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

- компаниянинг йиллик ҳисоботини, шунингдек компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда компанияни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш; (повтор)

- компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан компания кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш; (повтор)

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 35 моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8 – бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада компания соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9 – бобига асосан Компаниянинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Компаниянинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Компаниянинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- Компания маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Компания бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Компаниянинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- Компаниянинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Компания уставига киритиш;

- Компаниянинг ижроия органини тузиш.

15.7. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Компания овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

15.8 Мазкур Уставнинг 11.5. бандидаги а), б), в), д), н), т) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

15.9. Ушбу Уставнинг 11.5. бандидаги а) ва ф) қисмларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

15.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига узгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

15.11. Умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорлар эътиборига етказилади, бироқ бу муддат ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан ошмаслиги керак.

15.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан 3 иш кун олдин шакллантирилган компания акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

15.13. Акциядорнинг талабига биноан Компания акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган компания акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

15.14. Компания акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай колган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йул қуйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

15.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Компаниянинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

15.15. Компания давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

15.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Компаниянинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

15.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Компаниянинг йиллик ҳисоботи, Компаниянинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Компания кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Компаниянинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Компаниянинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

15.18. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга уларнинг талабига кўра, кун тартиби шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

15.19. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

15.20. Компания кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Компания акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

15.20. Аниқ масала кўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, "турли масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

15.21. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

15.22. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Компания кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

15.23. Компания кузатув кенгашининг, ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдорини, шунингдек, тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Компания дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланишини (зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Компанияни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланиши) акциядорларнинг умумий йиғилишида ошкор этилади.

15.24. Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

15.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

15.26. Компаниянинг кузатув кенгаши Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

15.27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

15.28. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

15.29. Компаниянинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Компания кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

15.30. Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг

(акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги Компания овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

15.31. Компания кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

15.32. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

15.33. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

15.34. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

15.35. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

15.36. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Компания кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

15.37. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Компания кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

15.38. Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар

(уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини Компаниянинг архивига топширади.

15.39. Компаниянинг кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, аудиторлик ташкилоти вакили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этади.

15.40. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

15.41. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

15.42. Овоз бериш яқунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

15.43. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун Компаниянинг архивига топширилади. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

15.44. Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

15.45. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 15 (ўн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

15.46. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин

15.47. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

15.48. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Компания корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилди. Агар Компания акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

15.49. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

15.50. Компаниянинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Компания бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

15.51. Компания Акциядорлар умумий йиғилиши Компаниянинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

XVI. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

16.1. Компания кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

16.2. Компания кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Компания кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 кишидан иборат.¹

16.3. Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси –йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

16.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Компания кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

16.5. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Компаниянинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида компания ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш, иштирок этиш учун компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини ва акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- компаниянинг ижроия органи аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- компаниянинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул ходим ёки бўлинмани аниқлаш;

- Компаниянинг қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режасини тасдиқлаш.

- компаниянинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- аудиторлик текширувини, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- филиалларни ташкил этиш, ваколатхоналарни очиш ва тугатиш;

- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);

- Қонунда белгиланган ҳолларда Компания томонидан йирик битимлар (Йирик битим тузиш масаласи бўйича Компания кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин) ва Компания аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компаниянинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Компания уставига киритиш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Компанияда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида жалб этиш;

- компаниянинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек компания уставига компаниянинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда компаниянинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳамда тегишли ҳужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Компания ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

- акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул ходим ёки бўлинмани аниқлаш;

- Компания раиси лавозимида танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнларини ўз ичига олган регламентни тасдиқлаш;

- Компаниянинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳолашни бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини, шунингдек, йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш учун малакали хизмат кўрсатувчи аудиторлик ёки консалтинг ташкилотларини жалб этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиришни таъминлаш.

- Компания ижроия органининг Компания таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисоботини мунтазам эшитиш;

- Компания ижроия органи, ички назорат органи, Компанияда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарур бўлганда, Компания ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этиш;

- Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш;

16.6. Қонун ҳужжатларига ва компания Уставига мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

16.7. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортик номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

16.8. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

16.9. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишларида раислик қилади ва бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини имзолайди.

16.10. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

16.11. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади. Компания Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- тафтишчининг;
- Компания Бошқарув Раисининг;
- ички аудит хизмати бошлигининг;
- қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

16.12. Компаниянинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

16.13. кузатув кенгаши йиғилишларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш ҳолатлари ва тартибини белгилаш;

16.14. Компания Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва Акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган “Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

16.15. Компания Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Компания Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

16.16. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 9 (тўққиз) кишидан иборат. Агар бюллетенларни нотўғри тўлдириш ва уларни ҳақиқий эмас деб топиш натижасида Кузатув кенгашининг 75 фоиздан кам аъзоси сайланса, Кузатув кенгашига сайловлар ўтказилмади деб ҳисобланади.

16.17. Компаниянинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

16.18. Компания бошқаруви аъзолари ва бошқарув Раиси Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

16.19. Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Компания Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

16.20. Компания Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган “Компания Кузатув кенгаши туғрисидаги Низоми” да белгилаб кўйилади.

16.20. Компания Кузатув кенгашида Давлатнинг ишончли вакилининг фаолияти амалдаги қонунчиликка асосан амалга оширилади.

16.21. Давлат вакили лавозимига кўра Компания Кузатув кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).

16.22. Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

16.23. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида таксимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Компания Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

16.24. Компания Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум, Кузатув кенгашига сайланган аъзолар сонининг етмиш беш фоизини ташкил қилади.

16.25. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Компания Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Мазкур Уставнинг 4.5. бандида ва 12.3 бандининг з), о), ш) қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Компания Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (якдиллик билан) қабул қилинади.

16.26. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Ушбу Уставнинг 12.6. бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Компания Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Компания ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

16.27. Компания Кузатув кенгаши қарорлари билан Компания акциядорлари таништирилиши мумкин. Компания акциядорлари Компаниянинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

16.28. Компания кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

16.29. Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Компания кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

16.30. Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Компаниянинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Компаниянинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

16.31. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, Компания Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

16.32. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

16.33. Компания Кузатув кенгаши аъзолари Компания ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

16.34. Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Компания кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

16.35. Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

16.36. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

16.37. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Компания ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

16.38. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

XVII. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

17.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув ва унинг раиси (Бошқарув раиси) томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

17.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Компания ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, агар компания уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, компания кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

17.3. Бошқарув раиси Компаниянинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Компания Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

17.4. Бошқарув раиси Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

17.5. Компания бошқарув раиси компания акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланади. Бошқарув аъзолари кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Улар билан меҳнат шартномасини Компания номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.

17.6. Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

17.7. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

17.8. Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

17.9. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

- Компания тузилмалари раҳбарларини тайинлаш (филиал ва ваколатхоналари раҳбарларидан ташқари);

- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;

- Компания тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

- Компания томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича компания соф активлари миқдорининг 5 фоизидан 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

- Компаниянинг асосий воситларини ҳисобдан чиқариш.

- Компаниянинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

- Компания Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- Компанияни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади, уларни ташкил этади ва бажарилишини назорат қилиш;

- Компаниянинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Компаниянинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Компания аудитори талабига кўра тақдим этади;

- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

- Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Компания Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;

- Компания акциядорларининг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;

- Компаниянинг таркибий бўлинмалари ва шўъба корхоналарининг молия-иқтисод ишларини ва молиялаштиришни ташкил этиш;

- Компания Уставига киритиладиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар тўғрисидаги таклифларини ишлаб чиқиш;

- Компания таркибига кирадиган корхоналари ва ташкилотларнинг йиллик ҳисобот ва молия-хўжалик балансларини олиб ўрганиб чиқиб таҳлил қилиш, уларни умумлаштириш ва йиғилишларида муҳокама қилиш ҳамда уларни тегишли идораларга тақдим этиш;

- Компания таркибига кирадиган корхоналари ва ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўз вакилларининг Компания номидан овоз бериш тартибини белгилаш;

- Компаниянинг шўъба ва тобе корхоналарининг соф фойдаларини тақсимлаш, яъни Компания ҳисобига олиш, шўъба ва тобе корхоналарнинг устав капиталини қўпайтириш (капитализация) ёки корхоналарни ривожланиши учун қолдириш, агарда ушбу уставда ўзгача тартиб ўрнатилмаган бўлса;

- аҳолини дори воситалари ва тиббий мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларига оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш ва ушбу масаладаги таклифларини республика Ҳукуматиغا киритиш;

- Компания ўзи ташкил этган шўъба корхоналарнинг ва бошқа корхоналарни уставини, бизнес-режаларини тасдиқлаш;

- Компания бизнес хатарлари, Бошқарув раиси ва аъзоларининг жавобгарлигини суғурталаш;

17.10. Компаниянинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ қуйидаги битимларни мустақил амалга оширади, жумладан;

- маҳаллий ва хорижий мол етказиб берувчилар билан дори воситалари ва тиббий буюмлар, шунингдек парафармацевтик маҳсулотларни олиш ёки сотиш бўйича шартномалар тузиш;

- маркетинг ва бошқа хизматларни кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

- маҳаллий ва хорижий мол етказиб берувчилар билан дори воситалари ва тиббий буюмларини сотиб олиш бўйича;

- бошқа ташкилотлар томонидан кўрсатилган дори воситалари ва тиббий буюмларни ташиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган шартномалар тузиш;

- кўчар ва кўчмас мулк объектларини ижарага олиш ва ижарага бериш бўйича шартномалар тузиш;

- бошқа ташкилотларнинг дори воситалари ва тиббий буюмларини ташиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлган шартномалар тузиш;

- маҳаллий ва хорижий мол етказиб берувчиларнинг дастурий таъминотлари ва интеллектуал мулки объектларини сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш;

- маҳаллий ва хорижий мол етказиб берувчиларнинг дастурий таъминотларини жорий этиш, кўрсатилган дастурий таъминот функцияси бир меъёрга ҳимояловчи зарур техник ҳимоя воситаларини янгилаш ва бошқа ҳаракатлари бўйича шартномалар тузиш;

- давлат ва тижорат банклари ва кредит ташкилотларидан кредит маблағларини олиш, олинаётган кредит маблағларининг мақсадларидан қатъий назар шартномалар тузиш;

- компания таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар томонидан олинаётган кредитлар бўйича кафиллик шартномаларини тузиш.

- Устав ва Компания Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Компаниянинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Компания Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- Компания номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

- Компания мижозлари билан шартномалар ва контрактлар тузади;

- Компания мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун ҳужжатлари, Компания устави ва бошқарув органи қарорларидан

келиб чикувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажариши тўғрисидаги талабларни жорий этиш;

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- Компания акциядорларининг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, устав ва ривожланиш режаси томонидан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши ташкил этиш ва ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

- Компаниянинг барча акциядорларига, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатни таъминлайди.

17.11. Бошқарув раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Компаниянинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Компания номидан битимлар тузиш, компаниянинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- лавозим номенклатураларини тасдиқлайди ва унга биноан ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда шўъба корхоналарининг, ижроия органлари ходимларини ишга қабул қилади, ишдан бўшатади ва ишдан ишга ўтказиши;

- Компаниянинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йуриқномаларини тасдиқлайди;

- Компания мансабдор шахсларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириб бориш;

- Компаниянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди;

- Компания номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Компаниянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Компанияда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Компания фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида

тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Компания архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- Компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Компания Бошқарув раиси томонидан белгиланади;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Компания ходимлари томонидан сакланишини таъминлайди;
- Компанияни малакали кадрлар билан таъминлайди, Компания ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- Компания ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлайди;
- Компания таркибидаги шўъба корхоналарнинг раҳбарлари томонидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, мазкур Уставга ва Компания бошқаруви қарорларига зид бўлган буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни бекор қилади;

17.12. Компания Бошқарувининг буйруқлари Компания бошқаруви ижроия органининг ходимлари ҳамда Компания маблағлари ва мулки ҳисобига Устав жамғармаси шакллантирилган шўъба корхоналар мансабдор шахслари ва ходимлари учун бажарилиши мажбурийдир;

17.13. Компания Бошқаруви мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

17.14. Компания Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Компания Бошқаруви Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

17.15. Бошқарув ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Компания ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

17.16. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилади.

17.17. Бошқарув ва унинг раиси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

ХИХ. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

19.1.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Компания тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

19.1.2. Тафтиш комиссиясининг талабига биноан бошқарув раиси молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

19.1.3. Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

19.1.4. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек компаниянинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни

эгаллашлари мумкин эмас. Компания тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортик сайланиши мумкин эмас.

19.1.5. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра компания кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

19.1.6. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра компаниянинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

19.1.7. Тафтиш комиссиясининг хулосаси мазмунига қўшимча талаблар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

19.1.8. Тафтиш комиссияси компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда кузатув кенгашининг мажлисида ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

19.1.9. Тафтиш комиссияси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Дори-Дармон” АК тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом асосида иш олиб боради ва уларга белгиланган тартибда мукофот пули тўланади.

б) ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

19.2.1. Компания активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Компанияда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати компаниянинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

19.2.2. Компаниянинг ички аудит хизмати компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, компания уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

19.3.3. Ички аудит хизмати компаниядаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

19.4.4. Компаниянинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

19.3.1. Аудиторлик ташкилоти Компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

19.3.2. Аудиторлик ташкилоти Компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Компания олдида жавобгар бўлади.

г) КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ

19.4.1. Компанияда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи компания корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

19.4.2. Корпоратив маслаҳатчи, Компания ва унинг акциядорлари ҳамда инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиради.

19.4.3. Компания корпоратив маслаҳатчиси Компания Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади ва фаолиятини кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширади.

XX. КОМПАНИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

20.1. Компанияни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

20.2. Компанияни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликга мувофиқ амалга оширилади.

20.3. Компаниянинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Компания фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

20.4. Компания қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- Ихтиёрий равишда, акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан;
- Компанияни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликга мувофиқ амалга оширилади.

- Компанияни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Компания акциядорларининг Умумий йиғилиши Тугатувчини тайинлайди.

- Компания тугатилётганда давлат Компаниянинг акциядори бўлган тақдирда, тугатиш комиссияси таркибига давлат мулкни тасарруф этишга ваколатли органнинг вакили киритилади.

20.5. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб унга Компания ишларини бошқариш ваколатлари ўтади.

20.6. Тугатувчи:

- Тугатувчи Компаниянинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари

томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат Компаниянинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

- кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Компаниянинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;

Компаниянинг мол-мулкни баҳолашни ташкил этади.

- Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтга келиб Компания кредиторлар олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, унинг мол-мулки қонунчиликка мувофиқ акциядорлар ўртасида тақсимланади.

- Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган Компания мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралиқ тугатиш баланси тугатилаётган Компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

- Агар Компания тугатилаётганда мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи Компаниянинг мол-мулкни суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

- Тугатилаётган Компания кредиторларига пул суммаларини тўлаш Тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

- Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Тугатувчи тугатиш балансини тузади. Бу баланс акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

- Тугатувчи ушбу моддада назарда тутилган тартиб-таомиллар тугалланганидан кейин Компания қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан зарур тадбирларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширади.

- Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Компаниянинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

- биринчи навбатда қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтариб сотиб олинishi лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

- учинчи навбатда тугатилаётган Компаниянинг мол-мулкни оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

- Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

- Мол-мулкни тугатиш қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини Компания хорижий валютага айирбошлаб бериши шарт.

- Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан Компанияни тугатиш тамомланган, Компания эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

- Рўйхатдан ўтказувчи орган Компания тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат Компаниянинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

• Тугатувчи ноқонуний ёки атайин нотўғри қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида Компанияга келтирилган зарар учун жавобгардир.

XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

21.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

21.3. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатида олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

«Дори-Дармон» АЖ бошқаруви раиси
Камилов

А.А.

М.Ў.